



LEGAL FOUNDATIONS OF LEGISLATION ON THE USE OF IRRIGATED AGRICULTURAL LANDS

Khurshid Rakhmedov

Senior Prosecutor of the Department of the General Prosecutor's Office, Master's Program Student

ABOUT ARTICLE

Key words: irrigated lands, agriculture, legal foundations, legislation, ecological stability, international experience.

Received: 10.01.24

Accepted: 12.01.25

Published: 14.01.25

Abstract: This article analyzes the legal foundations of legislation governing the use of irrigated agricultural lands and examines the existing mechanisms of legal regulation of agricultural land use in the Republic of Uzbekistan. It also addresses existing issues in the legislation and provides certain proposals and considerations for their resolution. A comparative analysis with the legislation of some foreign countries has been carried out regarding the efficient use of irrigated lands, ensuring ecological stability, and the rational use of land resources. Practical issues are highlighted through statistical analyses. The article explores the opinions of scholars in this field and engages in scientific discussions with their perspectives.

СУҒОРИЛАДИГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЕРЛАРИДАН Фойдаланишга оид қонунчиликнинг ҳуқуқий асослари

Хуршид Рахмедов

Бош прокуратура бошқарма катта прокурори, магистратура тингловчиси

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: суғориладиган ерлар, қишлоқ хўжалиги, ҳуқуқий асослар, қонунчилик, экологик барқарорлик, халқаро тажриба.

Аннотация: Ушбу мақолада суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишга оид қонунчиликнинг ҳуқуқий асослари таҳлил қилиниб, Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солишнинг амалдаги механизмлари ўрганилган, шунингдек, қонунчиликда мавжуд бўлган муаммолар ва уларни

бартараф этишга оид айрим таклиф ва мулоҳазалар билдирилган. Суғориладиган ерларнинг самарали фойдаланилиши, экологик барқарорликни таъминлаш ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш юзасидан айрим хорижий давлат қонунчилиги билан таққослаш ҳам амалга оширилиб, амалиётдаги муаммолар статистик таҳлиллар орқали баён қилинган. Мақолада олимларнинг шу соҳага оид фикр-мулоҳазалари ўрганилиб, улар билан баҳс мунозарарага киришилган.

ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА О ИСПОЛЬЗОВАНИИ ОРОШАЕМЫХ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ ЗЕМЕЛЬ

Хуришид Рахмедов

Старший прокурор управления Генеральной прокуратуры, слушатель магистратуры

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: орошаемые земли, сельское хозяйство, правовые основы, законодательство, экологическая устойчивость, международный опыт.

Аннотация: В данной статье анализируются правовые основы законодательства, регулирующего использование орошаемых сельскохозяйственных земель, изучены существующие механизмы правового регулирования использования сельскохозяйственных земель в Республике Узбекистан. Также рассматриваются имеющиеся проблемы в законодательстве и предлагаются некоторые предложения и соображения по их устранению. Проведен сравнительный анализ с законодательством некоторых зарубежных стран в вопросах эффективного использования орошаемых земель, обеспечения экологической устойчивости и рационального использования земельных ресурсов, а также выявлены практические проблемы через статистические исследования. В статье изучены мнения ученых в данной области, а также вступлено в научную дискуссию с их точкой зрения.

Кириш. Суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишга оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг самарадорлиги ва натижадорлиги амалдаги қонунчилик базасини, яъни ҳуқуқий асосларини тизимли таҳлил этиш асосида уни яна такомиллаштириш, ушбу соҳада прокурор назоратини самарали таъминлашга хизмат қилади.

Назаримизда суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишга оид қонунчилик аҳволини қуйидаги босқичларга ажратган ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқ.

1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;

2) Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги 1998 йил 30 апрелдаги 602-І-сонли Қонуни, “Яйловлар тўғрисида”ги 2019 йил 20 майда қабул қилинган ЎРҚ-538-сонли Қонуни, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги 2021 йил 1 апрелда қабул қилинган ЎРҚ-680-сонли Қонуни, “Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги 2022 йил 29 июнда қабул қилинган ЎРҚ-781-сонли Қонуни ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

3) Ўзбекистон Республикаси кодекслари (Ер кодекси, Фуқаролик кодекси);

4) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2024 йил 18 январдаги ПФ-15-сонли Фармони, “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларига нисбатан хусусий мулкчилик институти жорий этилиши ва мулк ҳуқуқининг дахлсизлигига оид қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги 2023 йил 19 июндаги ПФ-99-сонли Фармони, “Маъмурий ислоҳотлар доирасида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2023 йил 10 июндаги ПФ-90-сонли Фармони, “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли Фармони, “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сонли Фармони, “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 9 октябрдаги ПФ-5199-сонли Фармони, “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 8 июндаги ПФ-6243-сонли Фармони, “Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2004 йил 11 мартдаги ПФ-3406-сонли Фармони, “Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида” 2003 йил 24 мартдаги ПФ-3226-сонли Фармони, “Ер ости сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни тартибга солиш бўйича

кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 7 декабрдаги ПҚ-439-сонли Қарори ва бошқалар;

5) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ер майдонларини янгидан ўзлаштириш ва қишлоқ хўжалигида қайта фойдаланишга киритишда давлат томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳамда мазкур тадбирларни молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2024 йил 19 августдаги 515-сонли Қарори, “Ер ресурсларининг ҳолати бўйича миллий ҳисоботни юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2023 йил 30 октябрдаги 578-сонли Қарори, “Суғориладиган ерларнинг шамол эрозиясига ҳамда сув хўжалиги объектларини қум босишига қарши ихота дарахтзорларини барпо этиш ва реконструкция қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида”ги 2022 йил 12 октябрдаги 588-сон Қарори, “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда мониторинг ишларини амалга ошириш, ерларни муҳофаза қилиш ва ер тузиш фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 2022 йил 14 январдаги 22-сон Қарори, “Ўрмон фонди ерлари ва суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш ҳамда ёғочбоп маҳсулотлар етиштириш ҳажмини янада кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 14 июлдаги 442-сон Қарори ва бошқалар;

6) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Ижтимоий-иқтисодий қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2017 йил 24 ноябрдаги 166-сонли буйруғи, “Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги 2017 йил 7 ноябрдаги 160-сонли буйруғи;

7) Ваколатли давлат идораларининг (Қишлоқ хўжалиги, Сув хўжалиги вазирликларининг бошқалар) адлия идораларида рўйхатдан ўтган, умуммажбурий тусдаги ҳужжатлари;

8) Бош прокурорнинг соҳавий буйруқлари.

Суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишга оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асослари албатта прокуратура органлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларига боғлиқ. Бундай ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосийси Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни ҳисобланади. Ушбу қонуннинг 3-моддасида, прокуратура органларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритиш тартиби, шунингдек, уларнинг ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Шубҳасиз, айнан ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар прокуратура органлари фаолияти, қонунлар ижроси устидан назорат, шу жумладан, ер тўғрисидаги қонун

хужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асосларини ташкил этади [1].

Адабиётлар таҳлили. Суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишга оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асослари борасида турли фикр-мулоҳазалар билдирилади. И.Б.Джураевнинг фикрига кўра, қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш жараёнида вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар билан электрон хужжат алмашинувчини кенг йўлга қўйиш барча соҳаларда қонунийликни таъминлаш, сифат ва самарадорликка эришиш учун хизмат қилади [2].

В.Пашин ва В.Павлюковнинг таъкидлашича, прокурор тайёргарлик босқичида жуда кенг кўламли ишларни амалга ошириши керак, яъни текширувларни ўтказиши, мавжуд бўлган дастлабки маълумотларга, шу жумладан текширув предметида оид статистика: текширилаётган орган хизмат кўрсатадиган ҳудуддаги жиноятчилик, унинг ҳолати, моҳияти ва динамикаси; текширувдан олдинги даврда текширилаётган йўналишни ўрганиш юзасидан тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишда қонунийликка риоя қилиш; олдинги текширишлар натижалари; бошқа зарур маълумотларга аниқлик киритиши лозим [3].

Юқоридаги олимларнинг фикрларини қувватлаган ҳолда таъкидлаш керакки, бу соҳада прокурор назоратини ҳуқуқий асослари қандай ҳолатларда ижроси таъминланиши ва ҳуқуқий асоси деганда нима тушунилиши лозим.

Суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишга оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асоси прокурор назоратининг амалга оширилишини таъминлайдиган, унинг фаолиятини ташкил этиш ва фаолиятининг тартибларини белгиловчи, қонун хужжатларига риоя этилиши устидан назорат субъектларининг ваколатларини тартибга солувчи ҳамда фуқароларнинг қонун хужжатларида белгиланган ҳуқуқлари ва бурчларини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар, механизми ва қафолатларини, прокурор назорати объектларининг ваколатлари ва жавобгарлигини белгиловчи ҳуқуқий хужжатлар мажмуи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 1991 йил 11 январда қабул қилинган “Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари ва қишлоқ жойларда яшовчи бошқа фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини янада ривожлантиришга оид қўшимча тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-124-сонли Фармонга кўра, халқ депутатлари туман, кўрғон, қишлоқ ва овул Советлари, жамоа хўжаликлари ва давлат хўжаликлари раҳбарлари 1991 йилнинг сентябрь ойига қадар фуқароларга томорқа ер участкаларини ажратиб бериш, уларни расмийлаштириш билан боғлиқ ваколатлар берилган [4]. Ушбу хужжат асосида

қабул қилинган қарорлар ҳозирги кунга қадар кўплаб фуқароларнинг қўлида бўлиб, қишлоқ советлари ва жамоа хўжаликлари раҳбарларининг ушбу қарорларнинг ҳаққонийлигига баҳо беришда, турли хил қийинчиликлар келиб чиқмоқда. Масалан, Бўстонлик тумани “Хумсон” қишлоғидаги 297,3 гектар ер майдонида қурилиш қилиш бўйича қишлоқ хўжалиги йиғинининг қарорлари тақдим қилинган бўлсада, бироқ, мазкур қарорларнинг ҳақиқийлигини тасдиқловчи маҳалла дафтарлари мавжуд бўлмаганлиги ҳамда ҳокимликлар томонидан тасдиқланмаганлиги оқибатида, ушбу жойда қурилган иморатларни бузиш бўйича суд қарори қабул қилиниб, ушбу ҳолат фуқароларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлган [5].

1991 йил 31 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги Конституциявий қонунида ҳам республика ҳудудидаги ер, унинг ер ости бойликлари, сувлар, ўрмонлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиий ва бошқа бойликлар, унинг интеллектуал кадриятлари миллий мулк, Ўзбекистон Республикаси мулки эканлиги таъкидланган (7-модда) [6].

Прокурор назоратининг ҳуқуқий асослари тизимида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тутган ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Янги таҳрирдаги Конституциянинг 68-моддасига кўра, ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир [7]. Ушбу конституциявий қоидалар асосида шундай хулосага келиш мумкинки, юқорида кўрсатилган ер майдонлари Ўзбекистон Республикасининг умуммиллий бойлиги ҳисобланиб, ундан фақатгина оқилона фойдаланилишини таъминлаш зарур.

Суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи асосий қонун ҳужжатларидан бири 1998 йилда қабул қилинган Ер кодексдир (кейинги ўринларда ЕК деб юритилади). Кодекснинг 1-моддасига кўра, ер тўғрисидаги қонунчиликнинг асосий вазифалари ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатларини кўзлаб ердан илмий асосланган тарзда, оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва оширишни, табиий муҳитни асраш ва яхшилашни, хўжалик юритишнинг барча шакллари тенг ҳуқуқлилиги асосида ривожлантириш учун шароит яратишни, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида ер муносабатларини тартибга солишдан, шунингдек бу соҳада қонунийликни мустаҳкамлашдан шу жумладан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдан иборат [8]. Шу боисдан ҳам Кодекснинг асосий принципларидан сифатида ҳам қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларнинг, энг аввало суғориладиган ерларнинг алоҳида муҳофаза этилишини, кенгайтириб

борилишини ҳамда улардан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланишни таъминлаш алоҳида қайд этилган.

Кодекснинг 43-моддасида қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ёки ана шу мақсадлар учун белгиланган ерлар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалигини юритиш учун зарур бўлган қишлоқ хўжалиги ерлари ва дарахтзорлар, ички хўжалик йўллари, коммуникациялар, ўрмонлар, ёпиқ сув ҳавзалари, бинолар, иморатлар ва иншоотлар эгаллаган ерларга ажралади.

Ҳайдаладиган ерлар, пичанзорлар, яйловлар, ташландиқ ерлар, кўп йиллик дов-дарахтлар (боғлар, токзорлар, тутзорлар, мевали дарахт кўчатзорлари, мевазорлар ва бошқалар) эгаллаган ерлар қишлоқ хўжалиги ерлари жумласига киради. Қишлоқ хўжалиги ерлари махсус муҳофаза қилиниши лозим.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни қишлоқ хўжалигидан ўзга эҳтиёжлар учун бошқа тоифадаги ерларга ўтказишга алоҳида ҳолларда ушбу Кодекс ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ йўл қўйилади.

Қишлоқ хўжалиги ерларини ирригация сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тизимига асосланган сунъий суғориш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асоси ва ерлардан самарали фойдаланиш ҳамда уларнинг унумдорлигини ошириш шартидир [9].

Биз томонимиздан олиб борилаётган тадқиқот бевосита суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари эканлигини ҳисобга олиб, кодекснинг 44-моддасига асосан суғориладиган ерлар жумласига қишлоқ хўжалигида фойдаланиш ва суғориш учун яроқли бўлган, сув ресурслари шу ерларни суғоришни таъминлай оладиган суғориш манбаи билан боғланган доимий ёки муваққат суғориш тармоғига эга бўлган ерлар киради.

Ў.П.Ислотов ва бошқалар ўз тадқиқотларида, суғориладиган майдонларнинг унумдорлигини ошириш, мелиоратив ҳолати ва сув таъминотини яхшилаш мақсадида давлат дастурлари доирасида кенг кўламли ирригация ва мелиорация тадбирлари амалга оширилаётганлигини қайд этади [10].

Бугунги кунга келиб қишлоқ хўжалигига мўлжалланган 20,2 млн гектар ерларнинг атиги 20,7 фоизи суғориладиган ерлар ҳисобланади. Сўнгги 15 йил мобайнида аҳоли жон бошига суғориладиган ерлар 24 фоизга (0,23 га дан 0,16 гача) камайган.

Мазкур ҳолат аҳоли сонининг ўсиши, сув таъминоти ҳажмининг қисқариши ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг бошқа ер фонди тоифаларига ўтиши натижасида юзага келган.

Прогнозларга кўра, келгуси 30 йил мобайнида суғориладиган ер майдонлари яна 20 — 25 фоизга қисқариши мумкин.

Шундай экан суғориладиган қишлоқ хўжалиги суғориладиган ерлардан фақат қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш, шунингдек боғдорчилик, узумчилик ва кўп йиллик дов-дарахтлар етиштириш учун фойдаланилиши лозим. Афсус, мамлакатимизда суғориладиган ерлар атиги 3 миллион 300 минг гектар бўлиб, уни кўпайтиришнинг ҳеч иложи йўқ. Чунки бизда сув ресурслари чекланган. Аҳолимиз эса йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Жойларда қатъий назорат йўқлиги оқибатида суғориладиган ерларни фермерлар ва бошқа мутасадди раҳбарлар томонидан сотиш, ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ва талон-тарож қилиш ҳолатлари, афсуски, давом этмоқда [11].

Суғориладиган ерлар махсус муҳофаза қилиниши лозим. Бу соҳада давлатимизда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда унинг тизимига кирувчи муассасалар томонидан суғориладиган ерлардан мақсадли фойдаланишни ташкил этишни амалга оширади. Шунингдек, соҳада қонунчилик аҳволини мунтазам равишда таҳлил этиш, назорат олиб бориш нафақат ушбу вазирлик, балки улар фаолияти устидан прокурор назоратини ўрнатиш талаб этилади.

Шу ўринда Э.К.Гафурниязов муайян ҳуқуқий соҳаларда прокурор назоратини такомиллаштиришни талаб қилади. Айни пайтда, қишлоқ хўжалиги комплексининг ўзига хослиги шундан иборатки, бу ерда фаолият алоҳида нормалар билан бошқарилади. Қишлоқ хўжалиги комплексидаги ишлаб чиқариш муносабатлари халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидан фарқ қилиб, бунда табиий омилларни роли жуда катта. Шу билан бирга ҳуқуқий онгнинг паст даражаси ҳуқуқларни бузилишига олиб келади [12].

Ж.Вологина эса қишлоқ хўжалиги соҳадаги прокурорининг фаолияти қишлоқ хўжалик қонунчилиги талабларини бу йўналишдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг ва тадбиркорларнинг (мулкӣ, ташкилий, шахсий) ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлашдан иборат. Шунинг учун, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги муваффақиятларни прокурорнинг фаолиятисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Бу эътиборсизликни эътиборсиз қолдириш прокуратура назорати самарадорлигини камайтиришга, қишлоқ хўжалиги ва ҳуқуқий меъёрлар ёрдамида ҳал қилинадиган долзарб аграр муаммолардан прокуратура фаолиятини ажратишга олиб келади. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш ва бу йўналишдаги қонунчиликнинг бажарилишини назорат қилиш учун прокуратура фаолиятининг мустақил йўналишини ташкил қилиш зарур [13] деб хулоса келган.

Суғориладиган қишлоқ хўжалигига оид ҳуқуқий муносабатларни ислоҳ қилишга қаратилган қонунлар ва улар асосида қабул қилинган меъёрий ҳужжатларнинг оғишмай

ижро этилишини таъминлаш, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда давлат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида прокуратура органлари фаолиятини кучайтириш мақсадида: дастлаб Бош прокуратура, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар прокуратуралари тузилмаларида қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимлари ташкил қилиниб, уларга 48 та қўшимча штат бирлиги, шу жумладан марказий маҳкама учун 3 та штат бирлиги ажратилди [14].

Худудий прокуратураларнинг қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимларининг асосий вазифалари этиб, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга оид қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ҳамда ҳукумат қарорларида баён этилган талаб ва қоидалар ўз вақтида, тўлиқ ижро этилишини назорат қилиш, асосий қишлоқ хўжалик экинлари (пахта ва ғалла) экиладиган майдонлар мониторингини мунтазам ўтказиб туриш, экин майдонлари маҳсулот ишлаб чиқарувчилар - фермер ва ширкат хўжаликлари, туман ва вилоятлар томонидан қабул қилинган ҳамда тасдиқланган шартнома мажбуриятларига мувофиқлигини танлаб текширишлар ўтказиш, фермер ва деҳқон хўжаликларига ер ажратиш борасида қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатларда ўрнатилган тартиб бузилишининг олдини олиш комплекс чора-тадбирларини амалга ошириш, бунда масъул шахслар томонидан хизмат мавқеи суиистеъмол қилинишига, қариндош-уруғчилик ва ошна-оғайнигарчилик муносабатларидан фойдаланиш ҳолларига йўл қўймаслик, ерлардан қатъий равишда мақсадли фойдаланиш, суғориладиган экин майдонлари муомаладан чиқарилишига йўл қўймаслик, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш бўйича қабул қилинган шартнома мажбуриятларига риоя этилиши устидан доимий назоратни амалга ошириш, ерлардан мақсадли ва асраб-авайлаб фойдаланишни, уларнинг унумдорлиги сақланиши ҳамда экология нормаларига риоя этилишини таъминлаб келаётган фермер ҳамда деҳқон хўжаликларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, сув ресурсларидан исрофгарчилик билан фойдаланиш, минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материалларини ўғирлаб талон-торож қилиш, гидротехника, мелиорация иншоотлари ҳамда қишлоқ хўжалик техникасини ишлатишда хўжасизлик фактларининг олдини олиш чораларини кўриш, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, шу жумладан, қонунчиликни кенг кўламда тушунтириш йўли билан шундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш белгиланди.

Бош прокурорининг 15.03.2004 йилда “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 2-сонли буйруғи, 07.11.2017 йилда “Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунчилик

ижроси устидан назорат самарадорлигини янада ошириш тўғрисида” ги 160-сонли буйруғи қабул қилиниб, буйруққа асосан қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан назоратни ташкил этиш борасида қонунийликни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат ва жамиятнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилиш билан боғлиқ қисмини оғишмай ижро этилишини таъминлаш, ислоҳотларнинг амалга оширилишига тўсиқ бўлаётган омиллар ва тизимли камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш, ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан мақсадли ва оқилона фойдаланилишини ҳамда экологик нормаларга риоя этилишини таъминлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштирувчилар билан ҳокимлик, банклар, тайёрлов, қайта ишлаш, таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналар ўртасида тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларга қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан чоралар кўриб бориш, мавсумий агротехника ва ирригация-мелиорация тадбирларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлашга қаратилган назорат тадбирларини самарали ташкиллаштириш, фермер, деҳқон, чорва хўжаликларининг, шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг тадбиркорлик фаолияти ҳар томонлама ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш прокуратура органлари томонидан қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан назоратни ташкил этиш борасидаги асосий вазифаларидан бири этиб белгиланди.

Таҳлил ва натижалар. Ҳозирги кунга келиб аҳоли сонининг ўсиши, қишлоқ хўжалиги ерларининг бошқа тоифаларга ўтказилиши ва глобал иқлим ўзгариши оқибатида сўнгги 15 йилда аҳоли жон бошига суғориладиган ер майдони 23 сотихдан 16 сотихга ёки 24 фоизга камайган. Бугунги кунда, янги Ўзбекистонни қуриш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида, ер майдонларини муҳофаза қилиш, ундан оқилона ва қонунда белгиланган тартибда фойдаланилишини таъминлаш борасида прокуратура органларининг роли оширишни талаб қилмоқда.

Маълумки, ер қонунчилигига кўра, ерга оид ижтимоий муносабат-ларнинг объекти Ер кодексининг 8-моддасида қайд этилган 8 та тоифадаги ерлар ҳисобланади [15]. Бугунги кунда, мамлакатимизнинг умумий ер майдони 44 млн. 892,4 минг гектарни ташкил этиб, шундан, 27,1 млн. гектари қишлоқ хўжалигига мўлжалланган, 224,1 минг гектари аҳоли пунктлари, 879,6 минг гектари саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжал-ланган, 731,6 минг гектари табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар, 14,6 минг гектари тарихий-маданий аҳамиятга молик

бўлган, 12,6 млн. гектари ўрмон фонди, 827,1 минг гектари сув фонди ҳамда 9,6 минг гектари захира ерлардан иборатдир [16].

Бу соҳада прокурор назоратини алоҳида ўрнатиш талаб этилганлиги боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-3406-сонли Фармонининг 2-бандида, худудий прокуратураларнинг қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимларининг асосий вазифаларидан бири сифатида ерлардан қатъий равишда мақсадли фойдаланиш, суғориладиган экин майдонлари муомаладан чиқарилишига йўл қўймаслик, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш бўйича қабул қилинган шартнома мажбуриятларига риоя этилиши устидан доимий назоратни амалга ошириш эканлиги кўрсатилган [17]. Ёки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 февралдаги “Ер участкаларидан фойдаланишда давлат назорати самара-дорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-138-сонли Қарорининг 1-бандига кўра, ер участкаларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида назоратни янада кучайтириш мақсадида прокуратура органлари зиммасига ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаш ва улардан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини барвақт аниқлаш ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан жазонинг муқаррарлиги таъминланиши устидан қатъий прокурор назоратини ўрнатиш вазифаси юклатилган [18].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 февралдаги “Ер участкаларидан фойдаланишда давлат назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-138-сонли Қарорига кўра, ер участкаларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишда 2022 йил 1 мартдан бошлаб жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган янгича тартиб ўрнатилди [19]. Мазкур Қарор билан Бош прокуратурада Ер ресурслари талон - торож қилинишининг олдини олиш бошқармаси мустақил таркибий тармоқ сифатида ташкил этилиб, унинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2022 йил 10 мартдаги 261-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ер ресурслари талон - торож қилинишининг олдини олиш бошқармаси тўғрисидаги Низом билан тартибга солинади. Мазкур Бошқарма ер ресурслари талон-торож қилинишининг олдини олишга оид қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга оширади, мазкур соҳага доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таҳлил қилади, ташкилий-услубий, ахборот-таҳлилий ва назорат тадбирларини ташкил этади.

Жумладан, бошқарма томонидан 2019 - 2023 йилларда суғориладиган ер майдонларида қонунчилик аҳволи текширилганида, Республика бўйича қишлоқ

хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фондидаги жами 824,6 минг, шундан 7,6 минг гектар суғориладиган ер майдонларининг тоифаси ўзгарганлиги аниқланган. Тоифаси ўзгарган суғориладиган ерларнинг 1,6 минг гектари ўрмон фонди, 0,4 минг гектари сув, 2,1 минг гектари аҳоли, 3,4 минг гектари саноат ва 3 гектари тарихий-маданий фондига ўтказилган [20].

Бу таҳлиллар суғориладиган ер майдонлари доимий равишда прокурор назаротида бўлиши билан бирга айниқса ер тоифаларини ўзгартирилиши устидан алоҳида назорат ўрнатилиши керак. Сабаби, ер қонунчилигида бу борада алоҳида механизм яратилган. ЕКнинг 44-моддаси 4-қисмида ерларни суғорилмайдиган ерлар сирасига ўтказиш алоҳида ҳолларда, тупроқ-мелиоратив ва иқтисодий шароитлар, ерларнинг сув билан таъминланганлиги, улардаги мавжуд сув ресурслари ҳамда бу сувларга белгиланган лимитлар инобатга олинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг хулосасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан амалга оширилади.

Бунда ҳам ер тоифасига ўзгартирилишини мақсадли фойдаланилишини текшириш лозим. Чунки бу орқали ер фонди ўзбошимчалик билан ўзлаштирилиши эҳтимоли юқори бўлади.

Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.08.2021 йилдаги ПҚ-5228-сон қарори 3-илова 2-бандида Бандихон туманида 41 гектар суғориладиган ер майдонини қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасига ўзгартириш белгиланган. Бирок, ер тоифаси ўзгартирилгач, ушбу майдонда ҳеч қандай ишлар амалга оширилмаган ҳамда мазкур ер майдон 2 йилдан буён бекор ётгани ҳисобига ҳар йили 1,1 млрд сўм даромад олиш имконияти йўқотилган.

Шу билан биргаликда, 2024 йил давомида республика бўйича 38 898 та ҳолатда 5 843 гектар ер майдонлари ўзбошимчалик билан эгалланганлиги аниқланган.

Ер майдонларини ўзбошимчалик билан эгаллаш ҳолатлари деярли барча вилоятларда мавжуд.

Тадқиқот доирасида ер қонунчилиги билан боғлиқ ҳуқуқий норматив ҳужжатлар тизимлаштирилганида, ерга оид ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22 та Фармонлари ва 31 та Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 71 та қарорлари билан бевосита тартибга солинаётганлиги аниқланди. Бу эса соҳада жуда кўплаб муаммолар борлигини кўрсатади.

Шу сабабли ҳам олимлар жумладан, Ш.Назаров, суғориладиган ерлардан фойдаланишда замонавий агротехник усулларни жорий этиш ва қонунчиликни либераллаштириш лозимлигини илгари суради [21]. И.Жилина ердан фойдаланишдаги

коррупция ва ғайриқонуний амалиётларнинг қонунчиликка бўлган ишончга салбий таъсир кўрсатиши ҳақида батафсил ёритиб, амалдаги назорат механизмларини кучайтириш зарурлигини ҳамда қонунчилик нормаларини ягона тизимга бирлаштириш ғоясини илгари суради [22].

Хулоса. Шу нуқтаи назардан бизнингча, юқоридаги ҳуқуқий норматив ҳужжатларни ягона қонунчилик нормаси доирасида бирлаштириш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, ҳозирги кунда прокуратура органлари тизимида ихтисослаштирилган прокуратуралар мавжуд бўлиб, улар бевосита суғориладиган ер майдонларини қонунчилик аҳволини ўрганиб боради. Шу нуқтаи назардан прокурорлар томонидан ўтказиладиган суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишни назорат қилиш учун рақамли мониторинг платформасини жорий этиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Платформанинг жорий этилиши республикада соҳага оид қонунларнинг ижросини аниқ ва бир хилда ижро этилишини таъминлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни // <https://lex.uz/acts/106197>
2. Джураев И.Б. Олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини такомил-лаштириш // Юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. -Тошкент. 2021. – Б. 80.
3. Пашин В.М., Павлюков В.В. Использование информационных систем при осуществлении прокурорского надзора в сфере оперативно-розыскной деятельности. Юридические науки, Вестник КГУ № 3, 2019. <https://cyberleninka.ru/article/n/ispolzovanie-informatsionnyh-sistem-priosuschestvlenii-prokurorskogo-nadzora-v-sfere-operativno-rozysknoydeyatelnosti/viewe>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 11 январдаги “Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари ва қишлоқ жойларда яшовчи бошқа фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини янада ривожлантиришга оид қўшимча тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-124-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 й., 3-сон, 35-модда. <http://lex.uz/docs/213167>
5. Электрон манба. // URL: <http://ok.ru/topic/65771840959845>
6. “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги Конституциявий қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 й., 11-сон, 246-модда; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон. <http://lex.uz/docs/127899>

7. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси. 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган // <https://lex.uz/docs/6445145>
8. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси // <https://lex.uz/acts/152653>
9. <https://www.lex.uz/docs/152653#154637>
10. Исломов Ў.П. ва бошқалар. Қишлоқ хўжалигида суғориладиган ерларнинг сифат тахлили. // Илмий-амалий агроиқтисодий журнал. Махсус сон-2, 2019. 195-б.
11. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. “Irrigatsiya va melioratsiya”. № 4 (10). 2017. 70- 75 б.
12. Журнал: Э.К.Гафурзянов. Законность и правопорядок в современном обществе. 2012 г.
13. Журнал:Ж.Ю.Вологина. Законность и правопорядок в современном обществе. №8, 2012 г. - <https://elibrary.ru>.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.03.2004 йилдаги ПФ-3406-сонли “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.
15. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси // <https://lex.uz/acts/152653>
16. Статистик маълумотлар // Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида миллий ҳисобот. Кадастр агентлиги. 2022. – 6 б.
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-3406-сонли Фармони. [Электрон манба]. <http://lex.uz/docs/110881>. (Мурожаат вақти: 08.09.2021 йил).
18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 февралдаги “Ер участкаларидан фойдаланишда давлат назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-138-сон Қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 22.02.2022 й., 07/22/138/0153-сон.
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 февралдаги “Ер участкаларидан фойдаланишда давлат назорати самарадорлигини ошириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ - 138 - сонли Қарори // <https://lex.uz/docs/5870331>
20. Ер ресурслари талон - торож қилинишининг олдини олиш бошқармасининг маълумотномаси.
21. Назаров Ш. Қишлоқ хўжалигида суғориладиган ерларидан самарали фойдаланишда инновацион технологияларни жорий этиш // Илмий-амалий агроиқтисодий журнал. Махсус сон-2, 2019. 191-б.
22. Жилина И.Ю. Феномен коррупции: общие подходы к изучению. Социально-экономические аспекты коррупции. Экономические и социальные проблемы России // — М., 2008.